I. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 25 804 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 25 249 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 97,8 % ни ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг асосий улуши Наманган шаҳри (36,6 %), Чуст (8,2 %), Наманган (6,9 %) ва Уйчи (6,3 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		***Фаолият кўрсатаётган***	
	бирлик	***жамига нисбатан улуши, % да***	***бирлик***	***жамига нисбатан улуши, % да***
Наманган вилояти	**25 804**	**100,0**	**25 249**	**100,0**
туманлар:				
Наманган ш	9 433	36,6	9 186	36,4
Мингбулоқ	1 062	4,1	1 058	4,2
Косонсой	1 570	6,1	1 530	6,1
Наманган т	1 788	6,9	1 758	6,9
Норин	1 103	4,3	1 095	4,3
Поп	1 476	5,7	1 459	5,8
Тўрақўрғон	1 572	6,1	1 530	6,1
Уйчи	1 623	6,3	1 614	6,4
Учқўрғон	1 385	5,4	1 366	5,4
Чортоқ	1 371	5,3	1 334	5,3
Чуст	2 125	8,2	2 054	8,0
Янгиқўрғон	1 296	5,0	1 265	5,0

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, *% да*

(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 26,6 %), саноат (21,1 %), қурилиш (7,5 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (6,8 %) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		***Фаолият кўрсатаётган***	
	бирлик	***жамига нисбатан улуши, % да***	***бирлик***	***жамига нисбатан улуши, % да***
Жами	**25 804**	**100,0**	**25 249**	**100,0**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 764	6,8	1 725	6,8
саноат	5 438	21,1	5 360	21,2
қурилиш	1 930	7,5	1 880	7,5
савдо	6 863	26,6	6 656	26,4
ташиш ва сақлаш	976	3,8	963	3,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 133	4,4	1 097	4,3
ахборот ва алоқа	375	1,4	366	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	543	2,1	537	2,1
бошқа турлари	6 782	26,3	6 665	26,4

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 97,8 % ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,2 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда 2,6 % камайган.

Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиясизларнинг улуши, *% да*



2019 йил 1 октябрь ҳолатига 20 939 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 6 526 та, оилавий корхоналар – 472 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 13 403 тани ва 360 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, *бирликда*



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 4 641 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 мартага кўпроқ. Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (1 372 та), Чуст (387 та), Поп (368 та), Уйчи (329 та) ва Учқўрғон (326 та) туманларига тўғри келади. Энг ками эса, Мингбулоқ (130 та), Янгиқўрғон (239 та) ва Норин (255 та) туманларига тўғри келади.

Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони, бирликда

(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг улуши савдода 39,3 %, саноатда 26,5 %, қурилишда 8,4 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 5,8 % ни ташкил этади.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, *% да*
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



2019 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 20 828 тадан ортиқни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2018 йил шу даврига нисбатан 23,3 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 7 940 таси (жами субъектларнинг 38,1 %) Наманган шаҳрига, 1 705 таси (8,2 %) Чуст, 1 509 таси (7,2 %), Наманган ҳамда 1 332 таси (6,4 %), Уйчи туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 801 таси (3,9 %), Мингбулоқ, 838 таси (4,0 %) Норин, 967 таси (4,6 %) Янгиқўрғон, 1 056 таси (5,1 %) Чортоқ, 1 072 таси (5,2 %) Учқўрғон туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони

	2019 йил 1 октябрь ҳолатига		*2019 йил 1 октябрь ҳолатига*	
	бирлик	*жамига нисбатан улуши, % да*	*бирлик*	*жамига нисбатан улуши, % да*
Наманган вилояти	**16 898**	**100,0**	**20 828**	**100,0**
туманлар:				
Наманган ш	6 886	40,7	7 940	38,4
Мингбулоқ	635	3,4	801	3,8
Косонсой	970	5,7	1 256	6,1
Наманган т	1 259	7,4	1 509	7,2
Норин	622	3,7	838	4,0
Поп	779	4,6	1 108	5,3
Тўрақўрғон	1 004	5,9	1 244	6,0
Уйчи	1 030	6,0	1 332	6,4
Учқўрғон	787	4,7	1 072	5,1
Чортоқ	825	4,9	1 056	5,0
Чуст	1 370	8,1	1 705	8,2
Янгиқўрғон	731	4,3	967	4,5

Фаолият кўрсатаётган жами 20 828 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 6 622 таси (31,8 %) - савдода, 5 328 таси (25,6 %) - саноатда, 1 874 таси (9,0 %) - қурилишда, 1 694 таси (8,1 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1 092 таси (5,3 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 955 таси (4,6 %) - ташиш ва сақлашда, 440 таси (2,1%) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 336 таси (1,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида шунингдек, 2 487 таси (11,9 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

***Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %** да*
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 4 454 та кичик тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 мартага кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Наманган шаҳри (1 309 та), Чуст (374 та), Поп (351 та), Учқўрғон (318 та) ва Уйчи (316 та) туманларига, энг ками эса, Мингбулоқ (223 та), Янгиқўрғон (229 та) ва Чортоқ (248 та) туманларига тўғри келади.

2019 йил январь-сентябрь ҳолатига янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони, *бирликда*



Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % *да*
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг кўп ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар савдода (1 802 та), саноатда (1 229 та), қурилишда (388 та), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (248 та) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (268 та) ташкил этилган. Энг ками эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (38 та), ахборот ва алоқада (55 та) ташкил этилган.

Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли, фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига Наманган вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,2 % ни (470 та) ташкил қилган, уларнинг сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 572 тага камайган.

Ҳисобот даврида 1 109 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 174 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 15,7 %) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 205 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 81 тага ёки 65,3 % га ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 136 таси қўшма корхоналар, 69 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, *бирликда*

(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар 69 та (33,7 %), Косонсой 20 та (9,8 %), Чортоқ 18 та (8,8 %), Чуст 17 та (8,3 %), Поп ва Уйчи 16 тадан (7,8 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Мингбулоқ 4 та (1,9 %), Учқўрғон ва Наманган 5 тадан (2,4 % дан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвеститциялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	бирлик	*Жамига нисбатан улуши % да*
Наманган вилояти	**205**	**100,0**
туманлар:		
Наманган ш	69	33,7
Мингбулоқ	4	1,9
Косонсой	20	9,8
Наманган т	5	2,4
Норин	10	4,9
Поп	16	7,8
Тўрақўрғон	15	7,3
Уйчи	16	7,8
Учқўрғон	5	2,4
Чортоқ	18	8,8
Чуст	17	8,3
Янгиқўрғон	10	4,9

Фаолият кўрсатаётган 205 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 115 таси (56,1 %) саноат, 22 таси (10,7 %) савдо, 25 таси (12,2 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 9 таси (4,4 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 6 таси (2,9 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 11 таси (5,4 %) қурилиш, 2 таси (1,0 %) ташиш ва сақлашда, 1 таси (0,5 %) ахборот ва алоқада, ҳамда 14 таси (6,8 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ташиш ва сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	бирлик	***Жамига нисбатан улуши % да***
Жами	**205**	**100,0**
шу жумладан:		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	25	12,2
саноат	115	56,1
қурилиш	11	5,4
савдо	22	10,7
ташиш ва сақлаш	2	1,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6	2,9
ахборот ва алоқа	1	0,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	9	4,4
бошқа турлари	14	6,8

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 74 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 тага кўпайган ёки 2,5 баробарга ошган.

Бунда, Хитой Халқ Республикаси - 13 та, Корея, Россия Федерацияси Республикаси резидентлари капитали иштирокида - 10 тадан, Хиндистон - 7 та, Тожикистон - 6 та, Қирғизистон Республикаси - 5 та, Туркия Республикаси - 4 та, Қозоғистон, Чехия, Эрон, Кения, Уммон Султонлиги ва Миср мамлакатлари - 2 тадан, Сингапур, Канада, Афғонистон, Ангола, Нарвегия қироллиги, Руминия ва Нидерландия - 1 тадан янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Вилоятдаги 74 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳри (18 та), Чортоқ (9 та), Косонсой ва Чуст (8 тадан), Тўрақўрғон ҳамда Уйчи (6 тадан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган туманлар қаторига Наманган (1 та), Мингбулоқ ва Учқўрғон (2 тадан) туманларини киритиш мумкин.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	бирлик	***Жамига нисбатан улуши % да***
Наманган вилояти	**74**	**100,0**
туманлар:		
Наманган ш	18	24,3
Мингбулоқ	2	2,7
Косонсой	8	10,8
Наманган т	1	1,4
Норин	3	4,0
Поп	7	9,5
Тўрақўрғон	6	8,1
Уйчи	6	8,1
Учқўрғон	2	2,7
Чортоқ	9	12,2
Чуст	8	10,8
Янгиқўрғон	4	5,4

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 29 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 15 та, қурилиш ва савдода 7 тадан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йил 1 октябрь ҳолатига 481 тани ташкил этиб, улардан 472 таси ёки 98,1 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 51,7 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.